



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TEMIR YO'LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI
«O'ZTEMIRYO'LNAZORAT»**

BUYRUQ

«18» 05 2020 й.

TOSHKENT

№ 85

**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг
ҳуқуқ ҳамда имкониятларни
таъминлаш масалалари бўйича
маслаҳат-кенгашини ташкил этиш
хақида**

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 20 апрелдаги 07/2-107-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгашларини тузиш белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Инспекциянинг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб аталади) ташкил этилсин.

3. Маслаҳат-кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маслаҳат-кенгашининг биринчи йиғилишида унинг раиси ва котиби тайинланиши таъминлансин, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан ишлаб чиқилган тавсиялардан Маслаҳат-кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва юритишда фойдаланилсин.

5. Ушбу буйруқ билан инспекциянинг марказий аппарати ва ҳудудий филиалларининг барча ходмлари таништирилсин.

6. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Инспекция бошлиғи в.б.

A handwritten signature in black ink, appearing to be 'D. Akhmedov', written in a cursive style. The signature is positioned between the text 'Инспекция бошлиғи в.б.' and 'Д. Ахмедов'.

Д. Ахмедов

“Ўзтемирйўлназорат”
инспекцияси бошлигининг
2020 йил “18” 05 даги
85 -сонли буйруғига
ИЛОВА

**Инспекциянинг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда
имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши**

Маслаҳат-кенгаш
аъзолари:

Инспекция бошлигининг ўринбосари А. Абдурахманов

Инспекция кадрлар бўйича бош
мутахассиси

Ф. Кенжаева

Инспекция назорат таҳлил бўлими
бошлиғи, инспекция хотин-қизлар
раиси

Н. Кияшенко

Инспекция қасаба уюшмаси қўмитаси
раиси

Д. Мадаминова

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Меҳнат муҳофазаси, техник ва саноат
хавфсизлиги бошқармаси ходими

Н. Урунбаев

Тошкент шаҳар, Яшнаобод тумани
“Фидойлар” маҳалла фуқаролар
йиғини раисининг оила, хотин-қизлар
ва ижтимоий-маънавий масалалар
бўйича ўринбосари

М. Мамажанова